

**ЖИНОЯТ ПРОВОКАЦИЯСИ ОРҚАЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ
ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ЧОРАЛАРИ**

Гафуров Мавлон Кучкарович
Тошкент давлат юридик университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация:

ушбу тезисда жиноят провокацияси натижасида далилларни тўплаш борасида шакланган амалиёт таҳлили, мазкур масалани тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар қонунчилик ҳужжатлари таҳлили ва олимларнинг фикрлари, жиноят провокациясининг ижтимоий хавфли оқибатлари, амалдаги қонунчилик ҳужжатларидаги ҳуқуқий бўшлиқлар, амалиётдаги муаммолар таҳлил қилинган. Жумладан, жиноят провокацияси натижасида сунъий далиллар вужудга келтириш ва улар асосида шахсни айблаш амалиёти Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (ОЭСР) томонидан жиддий танқид қилинган. Хорижий мамлакатлар, жумладан Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия Жиноят кодексларида ушбу қилмишни жиноят сифатида мустаҳкамловчи алоҳида норма мустаҳкамланган ва тегишли жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистонда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонунда провокация тақиқланган бўлсада, жиноят-процессуал ва жиноят қонунчилигида зарур муҳанизмларни назарда тутувчи махсус нормалар мавжуд эмас. Бундан ташқари, назарий ва амалиётчиларда провокацияни жиноят деб эътироф этиш ёки этмаслик масаласида яқдил фикрга келинмаган. Жиноят провокациясининг тезкор-қидирув тадбиридан ажралиб туришини кўрсатувчи аниқ чегаралари ўрганилмаган. Келтирилган таҳлиллар асосида жиноят провокацияси ҳолатларини ва у орқали сунъий далиллар тўплаш амалиётининг олдини олиш бўйича асосланган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: провокация, сунъий далил, қонунга хилоф равишда далилларни тўплаш, тезкор-қидирув тадбирлари, жиноятга ундаш, жиноятга оғдириш.

Амалиётда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан жиноятни “уюштириш”, турли йўллар билан шахсни жиноят содир этишга ундаш ёки жиноят содир этилиши учун “шароит яратиш” орқали сунъий далиллар вужудга келтириш ва улар асосида шахсларни айблаш ҳолатлари мавжуд.

Бу ҳолат, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131 (фоҳишахона сақлаш), 135 (чақалоқ савдоси), 177 (валюта қимматликлари билан қонунга хилоф муомала қилиш), 210 (пора олиш) моддалари асосида қўзғатилган жиноят ишларида кўплаб учрайди¹.

Бунда асосан, шахсларнинг оғир моддий аҳволидан фойдаланиш ёки ундан тинимсиз **илтимос қилиш** ёхуд ўзгача йўсинда қизиқтириш орқали **кўндириш** усуллари қўлланилади.

Оқибатда, аксарият ҳолатларда шахс “**сунъий яратилган вазият**” қурбонига айланади ва ўзи аслида содир этишни режалаштирмаган ёки истамаган жиноятда айбланиб, жавобгарликка тортилади.

Амалиётдан мисол. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман судининг 2019 йил 18 январдаги ҳукмига кўра, 2018 йил 11 декабрь куни соат 15:10ларда, муқаддам бирорта ҳам жиноят содир этмаган фуқаро П.О.А. ўз уйида бўлган вақтда уй эшигини унга нотаниш эркак ва аёл тақиллатишган, фуқаро П.О.А. эшикни очганида эркак ундан уйига кўйишни илтимос қилиб, дам олмоқчи эканлигини айтган. Шунда фуқаро П.О.А. рад жавобини бериб уларни уйига кўймаган. Лекин, орадан 10-15 дақиқа ўтиб, эркак яна қайтиб келиб, уйига киритишни илтимос қилган ва эвазига 50 000 сўм таклиф қилган. Фуқаро П.О.А. моддий жиҳатдан қийналганлиги ва овқат сотиб олиши учун пулга муҳтож бўлганлиги сабабли, рози бўлган ва уларни уйига киритган. Пулни олгач, кўчага чиқиб, егулик солиб олиш учун дўконга кетаётганида уни ички ишлар ходимлари тўхтатишган ва улар биргаликда унинг уйига қайтиб келиб, ҳолатни расмийлаштиришган. **Қизиқарли тарафи шундаки, ички ишлар ходимлари худди унинг уйида қандай воқеа содир бўлганини аввалдан билгандек**, фуқаро П.О.А. ташқарича чиққанида уни тўхтатишган ва уйига қайтариб олиб келишган ва унга нисбатан фоҳишахона сақлаш жинояти бўйича иш қўзғатишган. Иш ҳужжатларида П.О.А. аввал ҳам муқаддам уйига шу тариқа одамларни кўйганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот ёки гувоҳлик кўрсатувлари **мавжуд эмас**².

Мазкур жиноят ишидан шу нарса маълум бўладики, муқаддам жиноят содир этмаган ёки уйида фоҳишахона ташкил этиб, одамларни киритаётганлиги ҳақида ҳеч қандай далил ёки бирор маълумот бўлмаган ҳолатда ўз уйида тинчгина ўтарган фуқаронинг пулга муҳтож эканлигини аввалдан билган ҳолда, статистика учун жиноятни рўйхатга олиш мақсадида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан сунъий равишда гўёки жинойий ҳолат уюштирилиб, бунга аввалдан тайёрланган икки фуқарони жалб қилган ҳолда, фуқаро П.О.А. жиноят содир этишдан бош тортиб, рад жавоби

¹ “Департамент валютафурушларни қандай фош этади?” // <http://www.kun.uz/13928224>

² <http://public.sud.uz> жиноят иши сони 1-1009-1802/479

беришига қарамасдан, унга қайта-қайта мурожаат қилиб, кўндириб, овқатланиш учун маблағга эҳтиёжи борлигидан фойдаланиб, унда аввалдан жиноят содир этиш нияти ёки қасди бўлмасда, уни жиноятга ундаб, кейин ушбу жиноятда унинг ўзини айблаб, жинойий жавобгарликка тортилишига эришишган.

Худди шу каби мисол, ушбу туман судининг 2018 йил 17 декабрдаги фуқаро П.С.Г.га нисбатан Жиноят кодекси 131-моддасининг 2-қисми билан чиқарилган ҳукмда ҳам кўриш мумкин. Унга кўра, фуқаро П.С.Г. кўп қаватли уйдаги ўз хонадониди бўлган вақтда унинг уйига унга аввал нотаниш бўлган йигит ва қизни киритиб, кейин ички ишлар ходимлари **аввалдан чақириб кўйилган холислар** билан бирга унинг уйига кириб боришган³.

Ўхшаш мисолларни бошқа кўплаб жиноят ишларида, хусусан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф муомала қилиш, пора олиш ва одам савдоси (айниқса, чақалоқ савдоси) билан боғлиқ жиноят ишларида ҳам учратиш мумкин.

“Аслида, – дейди К.К. Клевцов, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ундаш (провокация) ҳолати мавжуд бўлган бўлса, жиноят иши кўзғатилмаслиги керак, агар кўзғатилган бўлса тергов органи уни дархол тугатиши керак. Бунда тезкор-қидирув тадбирини ўтказган мансабдор шахсларга нисбатан **жиноят иши кўзғатиш масаласини кўриб чиқиш лозим**”⁴.

Бу каби ҳолатларнинг рўй беришига, амалиётда “муаммосиз” қўлланилишига сабаб – **қонунчиликда ҳуқуқий бўшлиқнинг мавжудлигидир.**

А.А. Отажоновнинг фикрича, “бу каби ҳолат тезкор-қидирув тадбирлари доирасида бўлган тақдирда ҳам унинг натижасида жиноят содир этишга жалб қилинаётган шахсни кейинчалик ушбу жиноятда айбланиш учун у **бир қатор талабларга жавоб бериши керак**, жумладан у ўзга шахсларнинг иштироки ёки таъсирсиз жиноят содир этишга қасд қилган бўлиши, ҳеч қандай мажбурлашсиз, ихтиёрий ва онгли равишда жиноят содир этган бўлиши керак, шахс тушунган ҳолда ва мустақил равишда жиноят йўлини танлаган бўлиши лозим”⁵.

Мазкур фикр С.Д. Демчук томонидан ҳам тўлиқ қўллаб қувватланган⁶.

Аслида, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 15 декабрда қабул қилинган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида тезкор-қидирув фаолиятини

³ <http://public.sud.uz> жиноят иши сони 1-516/18

⁴ К.К. Клевцов. Уголовные дела о наркопреступлениях. Как различить провокацию и законное возбуждение. Уголовный процесс, №9. 2019. – С. 32.

⁵ А.А. Отажонов. Уголовно-правовая характеристика подстрекательства по уголовному законодательству Республики Узбекистан. Вестник Московского университета МВД России. № 10. 2015. – С. 139.

⁶ С.Д. Демчук. И вновь о провокации преступлений. Юридическая наука и правоохранительная практика, 2015. – С. 107.

амалга оширувчи органларнинг фуқароларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга **оғдириши ва ундаши** қатъиян тақиқланган.

Бироқ, бундай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар оқибатида олинган далилларнинг “ҳуқуқий мақоми” амалдаги **жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланмаган** эди.

Мазкур масалада Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳам ўз позициясини маълум қилган. Унга кўра:

– жиноят ишларининг таҳлили **ҳал қилувчи далиллар** ношкора тарзда ўтказилган операциялар орқали олинганлигини кўрсатмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ношкора тарзда операция ўтказиш учун **етарлича маълумотга эга бўлганликларига ишонтиришлари керак**;

– бу каби маълумотлар, ўз навбатида, ношкора кузатувлар мобайнида махсус техник воситалар ёрдамида, шунингдек телефон ёки бошқа суҳбатларни ёзиб олиш орқали қайд этилиши мумкин;

– биргина, шахснинг муқаддам жиноятга алоқадор бўлганлиги ҳақидаги маълумотнинг, ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тегишли фактлар билан тақсидқланмаган аризаларининг ўзи **етарли эмас**;

– шахсга, у томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиши мақсадида босим ўтказилган деб баҳоланиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг **ноқонуний аралашуви деб баҳоланади**. Масалан, полициянинг ношкора назорати остида ҳаракат қилувчи шахс ўз ташаббуси билан гиёҳванд моддалар сотувчисига **қайта-қайта илтимос қилса** (дастлаб рад жавоби берилган бўлишига қарамасдан), ёки **қистовга олса, нархини оширса, “ломка” бўлаётганлигини баҳона қилса** ва б.;

– тезкор-қидирув тадбиридан олдин ёки уни ўтказиш вақтида гиёҳванд моддалари (мисол тариқасида келтирилмоқда – бунда исталган бошқа турдаги жиноят бўлиши мумкин) сотувчисининг ўзи гиёҳванд моддасини сотиши мумкинлиги ҳақида **мустақил равишда** маълум қилиши ёки шундай таклиф билдириши керак. Бундай фактлар ҳам телефон суҳбатларини эшитиб туриш ёки аудиоёзув билан ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт⁷.

Қонунчиликдаги мазкур муаммоли ҳолат **Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ОЭСР)** коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги доирасида **Ўзбекистон учун берилган тавсияларида ҳам алоҳида қайд этилиб**, бу каби салбий ҳолатларни

⁷ К.К. Клевцов. Уголовные дела о наркопреступлениях. Как различить провокацию и законное возбуждение. Уголовный процесс, №9. 2019. – С. 30-32.

бартараф этиш бўйича қонунчиликка ўзгартиш киритиш юзасидан аниқ тавсиялар берилган⁸.

Шунга кўра, илмий тадқиқот иши доирасида қонунчиликка ўзгартиш киритиш бўйича аниқ таклиф ишлаб чиқилиб, мутасадди идораларга тавсия этилди.

Натижада, мазкур таклиф, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августда қабул қилинган ПФ-6041-сон “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сон Қонунида инобатга олинди.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 88-моддасининг иккинчи қисми янги 4-банд билан тўлдирилиб, исбот қилишда “**шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш**” тақиқланди.

Шунингдек, ЖПК 81-моддаси учинчи қисмида, **тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олинishi мумкинлиги белгиланди.**

Қонунчиликка киритилган бу ўзгартишлар аслида Ўзбекистон шароитида “инқилобий” десак муболаға бўлмайди. Сабаби, бу орқали келажақда юқоридаги каби салбий амалиётларга чек қўйилиб, ўзи аслида жинойий нияти бўлмаган шахслар бошқалар томонидан уюштирилган сунъий жиноят иши туфайли жавобгарликка тортилиш ҳолатларининг олди олинishiга, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига нисбатан норозичиликларининг камайishiга эришилади.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан инсон ҳуқуқларини қадрлаш, шахснинг қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилиши таъминлаш учун барча чораларни кўриш, керак бўлса, қонунчиликни тўғрилаш борасида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг натижасидир.

Бундан ташқари, мазкур хатти-ҳаракатнинг, яъни шахсни жиноят содир этишга ундаш, жиноятни уюштириш (провокация) орқали сунъий далиллар вужудга келтиришнинг **ижтимоий хавфлилик хусусиятига баҳо бериш** ҳам муҳим саналади.

⁸ Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. ОЭСР, 2019. – С. 259.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида “провокация” сўзи – қасддан уюштирилган ва оғир оқибатларга олиб келадиган хоинона иш ёки хатти-ҳаракат, фитна, ифвогарлик маъноларини англатиши қайд этилган⁹.

Мазкур қилмиш ижтимоий хавфли ҳисоблансада, мамлакатимизнинг амалдаги Жиноят кодексида бунинг учун **тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни белгиловчи махсус модда назарда тутилмаган**.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 230-2-моддасида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра “жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш мақсадида ёхуд шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказиш мақсадида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ваколатли шахслар томонидан сохталаштириш (қалбакилаштириш)” уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинади.

Бир қарашда мазкур диспозиция жиноят провокацияси учун ҳам жавобгарликни ўз ичига қамраб олгандек кўринади. Бироқ, модда диққат билан таҳлил қилинса, бундай эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биринчидан, мазкур модда диспозициясида тезкор-қидирув фаолиятининг **натижаларини сохталаштириш** (қалбакилаштириш) ҳақида гап кетмоқда, яъни ушбу модда билан жиноий жавобгарликка тортилиши учун ваколатли шахс **аввалдан мавжуд бўлган** (бошқа шахснинг айбдорлигидан далолат берувчи) тезкор-қидирув фаолияти натижаларини ушбу жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш мақсадида сохталаштирган (қалбакилаштирган) бўлиши лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига (конспирация принципи) мувофиқ, тезкор-қидирув фаолияти конспирация принципига риоя этилган ҳолда, яъни тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишнинг, тезкор-қидирув хусусиятига эга ахборотни олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланишнинг, шунингдек тезкор-хизмат хусусиятига эга ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларининг алоҳида тартиби белгиланган ҳолда амалга оширилади¹⁰.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев умумий таҳрири остида. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – 310 б. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20P.pdf

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси // <http://lex.uz>

Бошқача айтганда, ношкора тарзда олинадиган, расмийлаштирилмаган ва сақланадиган тезкор-қидирув фаолияти **натижалари** ушбу тадбирларни амалга оширган шахслар **“қўлида бўлади”**. Махфийлик уларни сохталаштириш ва исталган **“томонга буриб”** юбориш учун кенг имкониятлар беради.

Мазкур жиноий ҳолатларнинг олдини олиш учун қонун ижодкори 2018 йил 4 апрелдаги Қонун билан Жиноят кодексига ушбу 230-2-моддани киритган¹¹. Жиноят провокациясида эса, аксинча **тезкор-қидирув фаолияти (тадбир)нинг ўзи** жиноятни содир этишга алоқаси йўқлиги олдиндан аён бўлган шахсни жиноий таъқиб қилиш, уни **“қўлга тушириш”** мақсадида **ташқиллаштирилади**, жиноий вазиятни уюштириш орқали сунъий далиллар ва янги жиноят иши **яратилади**.

Шунга қўра, Жиноят кодексининг 230-2-моддаси **жиноят провокацияси учун жиноий жавобгарликни назарда тутмайди**, деб айта оламиз.

Бироқ, яқин хорижий мамлакатлар, жумладан Россия¹², Белоруссия¹³, Қозоғистон¹⁴, Қирғизистон¹⁵, Тожикистон¹⁶, Грузия¹⁷ Жиноят кодексларида ушбу қилмишни жиноят сифатида мустақамловчи **алоҳида норма мустақамланган** ва тегишли жавобгарлик белгиланган.

Россия, Белоруссия, Қирғизистон, Тожикистон Жиноят кодексларида асосан **“пора провокацияси”** учунгина жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, Қозоғистон ва Грузияда **ҳар қандай турдаги жиноят провокацияси** жиноят ҳисобланади.

Хусусан, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 412-1-моддасига қўра, жиноят провокацияси деганда тезкор-қидирув ёки судга қадар тергов фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан шахсни кейинчалик **фoш этиш** ва жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида жиноят содир этишга қизиқтириш (иғво қилиш) ёки шантаж қилиш тушунилади.

Модда уч қисмдан иборат бўлиб, ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2018 й. ЎРҚ-470-сон "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // <http://lex.uz>

¹² Ст.304 Уголовного Кодекса Российской Федерации // <https://www.ugolkod.ru/skachat-uk-rf> (дата обращения: 04.03.2022)

¹³ Ст.396 Уголовного Кодекса Республики Беларусь // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414984 (дата обращения: 04.03.2022)

¹⁴ Ст.412-1 Уголовного Кодекса Республики Казахстан // https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252&mode=p&page=2 (дата обращения: 04.03.2022)

¹⁵ Ст.343 Уголовного Кодекса Кыргызской Республики // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34350840 (дата обращения: 04.03.2022)

¹⁶ Ст.321 Уголовного Кодекса Республики Таджикистан // http://ncz.tj/content/уголовный_кодекс_республики_таджикистан (дата обращения: 04.03.2022)

¹⁷ Ст.145 Уголовного кодекса Грузии // <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=236> (дата обращения: 04.03.2022)

АҚШнинг Намунавий Жиноят кодексига (2.13-модда) штатларга ўз кодексларида жиноят провокацияси учун алоҳида модда назарда тутиш тавсия қилинган. Нью-Йорк штати Жиноят кодексининг (1965 йилги) 40-моддаси 40.05 бандида ушбу қилмиш “**қопқонга тушириш**” деган ном билан келтирилган¹⁸.

Шу муносабат билан, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигининг юқори эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Жиноят кодексига қуйидаги таҳрирда “**ЖИНОЯТ ПРОВОКАЦИЯСИ**” учун жинойий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи махсус модда киритиш, шахсни оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда айбланиш мақсадида содир этилганлик учун оғирлаштирувчи жавобгарликни назарда тутувчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“230³-модда. Жиноят провокацияси

1. Жиноят провокацияси, яъни тезкор-қидирув ёки дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан шахсни кейинчалик фож этиш ва жинойий жавобгарликка тортиш мақсадида жиноят содир этишга қизиқтириш (иғво қилиш) ёки шантаж қилиш, -

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2. Ўша ҳаракат ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли содир этилган бўлса, -

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Антикоррупционные реформы в Узбекистане. 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. ОЭСР, 2019.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев умумий таҳрири остида. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – 310 б.
https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20P.pdf

3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси // <http://lex.uz>

¹⁸ А.Е. Аюсинов. Особенности регламентации уголовной ответственности за провокацию преступления по зарубежному законодательству // Вестник СГЮА. 2015. №6 (107). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-reglamentatsii-ugolovnoy-otvetstvennosti-za-provokatsiyu-prestupleniya-po-zarubezhnomu-zakonodatelstvu> (дата обращения: 16.12.2021).

<https://conferencea.org>

4. “Департамент валютафурушларни қандай фoш этади?” // <http://www.kun.uz/13928224>.
5. <http://public.sud.uz> жинойт иши сони 1-1009-1802/479.
6. К.К. Клевцов. Уголовные дела о наркопреступлениях. Как различить провокацию и законное возбуждение. Уголовный процесс, №9. 2019.
7. А.А. Отажонов. Уголовно-правовая характеристика подстрекательства по уголовному законодательству Республики Узбекистан. Вестник Московского университета МВД России. № 10. 2015.
8. С.Д. Демчук. И вновь о провокации преступлений. Юридическая наука и правоохранительная практика, 2015.
9. А.Е. Аюсинов. Особенности регламентации уголовной ответственности за провокацию преступления по зарубежному законодательству // Вестник СГЮА. 2015. №6 (107). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-reglamentatsii-ugolovnoy-otvetstvennosti-za-provokatsiyu-prestupleniya-po-zarubezhnomu-zakonodatelstvu>
10. Ўзбекистон Республикасининг 04.04.2018 й. ЎРҚ-470-сон "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // <http://lex.uz>.
11. Ст.304 Уголовного Кодекса Российской Федерации // <https://www.ugolkod.ru/skachat-uk-rf>
12. Ст.396 Уголовного Кодекса Республики Беларусь // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414984
13. Ст.412-1 Уголовного Кодекса Республики Казахстан // https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252&mode=p&page=2
14. Ст.343 Уголовного Кодекса Кыргызской Республики // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34350840
15. Ст.321 Уголовного Кодекса Республики Таджикистан // http://ncz.tj/content/уголовный_кодекс_республики_таджикистан
16. Ст.145 Уголовного кодекса Грузии // <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=236>.